Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 13 август жума

Сотувда эркин нархда
№ 159 (2197)

Қувонч ўткинчи, Мустақиллик абадий!



ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ

12 август куни Оқсарой қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Японияниг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Кioко Накаяма ишонч ёрлиғини топширди.

Мамлакатимиз раҳбари ёрлиқни қабул қилиб олар экан, Ўзбекистон-Япония муносабатлари ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди ҳамда Кioко хонимга унинг шарафли ва масъулиятли миссиясини бажаришда омад ва муваффақият тилади.

— Сизнинг Ўзбекистонга элчи этиб тайинланишингиз ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш учун янги имконият дир,— деди Президент япон дипломати билан суҳбатда.

Таъкидлаш жоизки, ҳозир Ўзбекистон-Япония муносабатлари юқори даражада ривожланиб бормоқда. "6+2" гуруҳининг Тошкент учрашуви Токио расмий доираларини бефарқ қолдирмагани, "Умид" жамғармаси йўналиши бўйича Японияда кўплаб ўзбекистонлик талабалар таҳсил олаётгани, юртимизда япон сармояси асосида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг тобора кўпаяётгани бу фикрни яна бир карра тасдиқлайди.

Япония элчиси ўз миссияси даврида икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини бундан-да юқори поғонага кўтариш учун бор куч-ғайратини аямаслигини таъкидлаб, самимий қабул учун Президентга миннатдорлик билдирди.

Учрашувда Ўзбекистон-Япония муносабатларига оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ишонч ёрлиғини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комилов иштирок этди.

(ЎзА)

СУРАТДА: ишонч ёрлиғини топшириш пайти.

А. ТЎРАЕВ олган сурат.

Вазирлар Маҳкамасида Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, мазкур Кенгаш раиси Ў.Султонов олиб борди.

КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Йиғилишда жорий йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 ноябрдаги "Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида"ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 ноябрдаги "Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг бажарилишини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар муҳокама этилди. Кенгаш раиси ўринбосари, Давлат солиқ қўмитаси раиси С.Алимбоев шу масала юзасидан ахборот берди.

Йиғилишда Кенгаш ва унинг ҳудудий комиссиялари томонидан олиб борилган ишлар республика назорат қилувчи органлари томонидан ўтказилган текширишлар сонини 1998 йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб 36 фоиз, рухсатсиз текширувлар сонини эса 10 баравар қисқартиришга имкон берганлиги қайд этилди. Ўтказилган текширишларнинг қарийб 80 фоизини комплекс текширишлар ташкил этди.

Шу билан бирга, бир қанча назорат органлари текширувларни тартибга солиш борасидаги қонунчилик талаблари сўзсиз бажарилишини таъминлай олмаётганлиги танқид қилинди. Уларнинг раҳбарларига рухсатсиз текширишлар ўтказиш ҳолларига барҳам бериш ва бунга йўл қўяётган мансабдорларга нисбатан кескин чоралар кўриш вазифаси топширилди.

Мажлисда Кенгашнинг Андижон вилояти бўйича ҳудудий комиссиясининг, шунингдек, Кенгаш ҳузуридаги текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлар шикоятларини қабул қилиш гуруҳининг ҳисоботлари тингланди.

Йиғилишда кўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА)

ТЎҒРИ СЎЗГА ФИДО ХАЛҚИМ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов бошчилигидаги Парламентимиз депутатлари Шавкиддин Жўраев, Ҳулкар Жамолов ва Пўлат Шариповлардан иборат гуруҳ Бухоро вилоятида бўлиб қайтишди.

Бухоро вилояти фаоллари ва оқсоқоллари билан бўлган учрашув, айниқса, унинг қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. Республика Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов бу йиғилишда иштирок этиб, жумладан, шундай дедилар:

— Бизнинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб турли вилоятларга чиқишимиздан асосий мақсад нима? Аввалambор, сайловчилар билан учрашиш, қолаверса, Олий Мажлис қабул қилган қарорлар, раҳбарият олиб бораётган ишлар юзасидан халқ билан маслаҳатлашишдир. Сизларга ўхшаган оқсоқоллар — кўпни кўрган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган инсонлар билан юзма-юз кўришиб, ташвишу қувончларингиз билан ўртоқлашиш, самимий, ошкора тусда суҳбатлашиш, фикр-мулоҳазаларингизни эшитиш, албатта, фойдадан холи бўлмайди. Негаки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга, юз бераётган муҳим воқеалар, ўзгаришларга, янгиланишларга муносабатингиз, кўнглингиздаги ўй-фикрларингиз, мулоҳазаю ирodаларингиз Олий Мажлиснинг XV сессиясида қабул қилинадиган Қонун ва қарорларда ўз ифодасини топади.

Биз, делегатлар Девонбеги мадрасасидаги бу учрашувга қадар Баҳоуддин Нақшбанд қабрини зиёрат айлаб, дуои фотиҳа қилиб, сўнгра йўл-йўлакай бир неча-кундузда 43 хил иссиқ нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Кўк Сарой» кичик корхонасини бориб кўрган эдик. Учрашув чоғида эса 90 ёшли Али бобо Ғуломов 30-йиллардаги халқимизнинг оғир тақдирию қисмати хусусида ҳикоя қиларкан, унинг изтиробу аччиқ ҳақиқатга тўла нидоси борлиқни титратиб юборди.

— Ушанда бир одамни Файзулла Хўжаевнинг «думи» деб, бошқасини отасининг дафн маросимида иштирок этолмай, қабристонга боргани учун, яна бировини буваси ўта ўқимишли инсон бўлгани сабаб қамоқхонага ташлагани, КГБнинг исканжасига тушгани, қисқаси, 70 йил давомида ҳар 10-15 йилда зиёлиларимиз, халқимизнинг асл фарзандлари қирғин қилинганлари — шўроларнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган жамики ваҳшийликларию кирдикорларини бугун истиқлол туфайли рўй-рост айта бошладик.

Президентимизга минг раҳмат! Оллоҳ таоло, илоҳим, у кишига узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва куч-қувват ато этсин! Юртбошимиз имзо чеккан Фармонга кўра, мамлакатимизда мустамлакачилик даври қурбонлари — ўша машъум йилларда қатағонга учраган, қулоқ қилинган, бадарга этилган, отиб ташланган авлодларимиз номма-ном аниқланиб, уларнинг муборак хотиралари абадийлаштирилмоқда. Бу нима degани?

Бу — ёшларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш degани. Бу — қадриятларимизга нисбатан ҳурмат-эътибору эҳтиромни кучайтириш, ижтимоий адолатга ишонч, истиқлол ғояларига эътиқодни мустаҳкамлаш degани.

Отахоннинг сўзларини тингларканман, хаёлимдан «Агар биз саккиз йил аввал мустақилликка эришмаганимизда, ким бизни Баҳоуддин Нақшбанддек улуғ алломаларимиз қабрини зиёрат қилишга йўл қўяр эди? Ёки бўлмаса, тадбиркорлик ҳаракатига қачон эшиклар кенг очиларди-ю боя биз шоҳид бўлганимиз — «Кўк Сарой» тадбиркори хусусий корхона очиб, турли-туман иссиқ нонлар ишлаб чиқаришига ким рухсат берарди? Яна айтадиган бўлсак, Бухорода шунча одамларни Девонбеги мадрасасига тўплаб, очиқ мулоқот уюштиришга кимнинг юраги дов берарди?» деган фикрлар кечди.

Бугун, шукурлар бўлсинки, Бухорои Шарифнинг қўҳна мадрасасида бўлаётган мазкур юзма-юз учрашув, ошкора мулоқот оддий бир ҳол, оддий бир воқеа. Аслида-чи? Бу кунга, Озодлик ва Эркинликка эришгунча, Али бобо таъкидлаганидек, бошимиздан не-не қийинчиликлар, қурғичиқлар ўтмади дейсиз?

Ўзбекистон деб аталмиш мустақил юртнинг қайси бурчида бўлманг, унинг заминига қулоқ тутсангиз, ҳар қарич ер тубидан қатағон қилинганларнинг нидосини эшитасиз. Бу нидо эса сизу бизни ларзага солади, Мустақиллик — буюк неъмат эканига яна бир карра иқрор этиб, уни ёмон кўзлардан, ёвуз кучлардан кўз қорачиғидек асрашга ҳаммамизни даъват қилади.

Шулар ҳақида ўйлар эканман, Президентимиз Ислом Каримов доимо такрор-такрор таъкидлайдиган **«Халқни алдаманг, халққа тўғри сўзланг»**, деган сўзларини яна бир марта эсладим. Бу чақириқдай жарангловчи гап замирида нақадар катта мазмун борлигини туйдим ва «Одамлар! Шу кўҳна, табаррук замин узра ҳамиша поқ юринг, ориятли, иймонли, виждонли, меҳр-оқибатли бўлинг. Токи, бугун тупроқ остида абадий тинч уйқуда ётган аждодларимиз асрлар мобайнида орзу қилган файзиёб, ёруғ кунларга Сизлар етдингиз!» деб ҳайқиргим келди.

Ғиждувонда бўлганимизда, айниқса, «Файз» фермер хўжалиги раҳбари Рустам Файзиев ишидан бошимиз осмонга етди. Бу хўжаликда 196 бош қорамол, шу жумладан, 65 бош соғин сигир, 300 бош қўй, 480 бош чўчқа, 20 бош от парвариш қилинмоқда. Самара ҳам эътиборга лойиқ.

Буни ҳақиқий мулкдор деса бўлади!

Энди ўйлаб кўринг: бундай фермер хўжаликлари, Рустам Файзиевга ўхшаган фермерлар сони қанча кўпайса, юртимиз шунча бой, дастурхонимиз бундан-да тўкин-сочин бўлмайдими? Юртбошимиз кичик бизнесни, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш, ҳақиқий мулк эгаларини шакллантириш ҳақида бот-бот куйиниб гапираётганлари боисининг чин ҳақиқати эмасми бу?

Бухородалигимиз кунлари бу ерда яна бир қувончли воқеанинг гувоҳи бўлдик. Бу ерда мустақиллигимизнинг 8 йиллигига бағишлаб «Ўзбек миллий фильмлари» республика иккинчи кинофестивали бошланди. Кинофестивалнинг очилиш маросимида Ўзбекистон халқ артисти, ўзбек миллий киносини ривожлантиришга катта ҳиссе қўшган атоқли актёримиз Зикир Муҳаммаджонов ўз ҳаяжонини яширолмади:

— Бу фестивалнинг миллий deb аталиши ҳам, Бухорода ўтиши ҳам бежиз эмас. Бухоро — буюк халқимизнинг буюк зотлари яшаб ўтган шаҳар. Биз ҳам фестивалимиз муваффақиятли ўтсин, деб ўша алломаларимиз қабрларини зиёрат қилдикки, бу ҳам бежиз эмас. Жорий йилда сизлар галла тайёрлаш режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб бажаришларингиз, шу муносабат билан Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг табрикномасини олишга сазовор бўлганларингиз ҳам, уларнинг арвоҳи сизларга ёр бўлганлиги туфайли, деб тушунамиз.

Биз қаерда бўлмайлик, ким билан учрашмайлик, Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги тарихий маърузасида баён этилган устувор йўналишлар, шу сессияда қабул қилинган қонунлар мазмунмоҳияти ва Парламентнинг бўлажак сессиясига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалалар ўзаро мулоқотларнинг асосий мазмун-мундарижасига айланди. Учрашувларда жамоа вакиллари депутатларга ўзларини қизиқтирган кўплаб саволлар билан мурожаат қилдилар. Шу билан бирга, улар ҳукуматимизнинг ички ва ташқи сиёсатини, амалга оширилаётган ислоҳотларни тўла қўллаб-қувватлашларини, айни пайтда юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш энг муҳим масалалардан бири эканлигини такрор ва такрор айтишди.

Учрашув қатнашчилари шу йил 16 февралда Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракатига ҳам муносабат билдириб, ҳар бир кишини доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишга даъват этдилар.

Аббосхон УСМОНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

Автомобиллар тўхташ жойлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Автомобиллар тўхташ жойлари фаолиятини такомиллаштириш ва автотранспортни вақтинча сақлаш хизматлари кўрсатиш (тўхташ жойи) учун тўлов ундиришни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг автотранспорт қисқа муддат сақланадиган мавжуд автомобиллар тўхташ жойларини хусусийлаштириш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2000 йил 1 январгача автотранспорт қисқа муддат сақланадиган барча мавжуд автомобиллар тўхташ жойлари тендер асосида хусусийлаштирилишини ва тушган маблағлар белгиланган тартибда тақсимланишини таъминласин.

2. Белгилансинки:

автомобиллар тўхташ жойидаги мол-мулк хусусийлаштириш объекти ҳисобланади, ер участкалари эса капитал қурилиш қилмасдан фойдаланиш муддатларини узайтириш ҳуқуқи билан 5 йилгача муддатга фойдаланишга берилади;

автотранспорт қисқа муддат сақланадиган автомобиллар тўхташ жойлари юридик шахс шаклида ташкил этилади ва ўз фаолиятини шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг автомобиллар тўхташ жойларига автотранспортни вақтинча сақлаш хизматлари кўрсатиш (тўхташ жойи) ҳуқуқини бериш тўғрисидаги тақдимномасига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарорлари асосида амалга оширади. Кўрсатиб ўтилган қарорлар расмийлаштирилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баравари миқдоригача бир марталик йиғим ундирилади.

3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида автотранспорт қисқа муддат сақланадиган автомобиллар тўхташ жойларини рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

4. Белгилансинки, 1999 йил 1 октябрдан бошлаб автотранспорт қисқа муддат сақланадиган хусусийлаштирилган автомобиллар тўхташ жойлари асосий фаолияти бўйича маҳаллий бюджетга амалдаги солиқлар ва йиғимлар ўрнига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланадиган ставка бўйича қатъий белгиланган солиқ тўлайдилар.

Автотранспорт қисқа муддат сақланадиган автомобиллар тўхташ жойлари учун қатъий белгиланган солиқ ставкаларининг чекланган миқдорлари тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси автомобиллар тўхташ жойларида автотранспортни вақтинча сақлаш хизматлари кўрсатиш (тўхташ жойи) ҳуқуқи учун қатъий белгиланган солиқ ва бир марталик йиғим ундириш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда:

автомобиллар тўхташ жойлари эгаллаб турган майдондан ва улар жойлашган жойдан келиб чиққан ҳолда, автомобиллар тўхташ жойлари учун қатъий белгиланган солиқнинг аниқ ставкаларини белгиласинлар;

автотранспортни автомобиллар тўхташ жойларида вақтинча сақлаш хизматлари кўрсатиш (тўхташ жойи) ҳуқуқи учун бир марталик йиғим миқдорини тасдиқласинлар;

автотранспорт қисқа муддат сақланадиган автомобиллар тўхташ жойлари юридик шахс сифатида белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтказилишини таъминласинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Ҳамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 12 август.

Олий Мажлис сессияси олдидан

ИНСОН ҲАЁТИ ВА САЛОМАТЛИГИ ҚАДРИ

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 19 августда Тошкент шаҳрида ўтадиган ўн бешинчи сессиясининг кун тартибига Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун лойиҳалари билан бир қаторда "Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини кўриб чиқиш киритилган.

Мазкур қонун лойиҳасининг мамлакатимиз парламенти навбатдаги сессияси кун тартибига киритилиши тасодифий эмас. Бу меъёрий ҳужжатни ишлаб чиқишга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 11 апрелдаги қарорида топшириқ берилган бўлиб, унда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини ташкил этиш масалалари белгилаб берилган эди.

Бу қонунни мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органига тақдим этишдан олдин республика ҳукумати фавқулодда вазиятлар соҳасидаги фаолиятни бошқарувчи меъёрий ҳужжатларнинг бутун бир мажмуасини ишлаб чиқди ва қабул қилди. Уларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 4 мартдаги Фармони асос қилиб олинди, бу Фармонга мувофиқ, республика Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилган эди. Ўзбекистон ҳукумати давлатимиз бошлиги имзолаган олий меъёрий ҳужжатнинг асосий қоидаларини ривожлантириб, аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш масалалари бўйича олтита махсус қарор қабул қилди. Уларнинг орасида Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 23 декабрдаги қарори жуда муҳимлигини таъкидлаб ўтиш керак, бу қарорга мувофиқ, МДҲ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда фавқулодда вазиятлар юзага келганда фалокатларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими барпо этилди. Бу тизим ўз сафларида бошқарув органларини, аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш масалаларини ҳал этиш ваколатига эга бўлган республика ва маҳаллий ҳокимият органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар кучлари ҳамда маблағларини бирлаштирди. Янги вужудга келган тизим фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни тугатиш, бундай вазиятлар пайдо бўлганда эса, аҳоли хавфсизлигини, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш ҳамда давлат иқтисодиётига етадиган зарарни камайтириш билан шуғулланиши лозим.

Шу билан бир вақтда ҳукумат қарорида барча вазирликлар ва идораларнинг, ташкилотлар, маҳаллий ҳокимият органларининг бу тизимдаги ўрни, ҳуқуқлари ва бурчлари белгилаб берилди, уларнинг олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш чоғида ўзаро алоқа ва ҳаракатларни мувофиқлаштириш тартиби кўрсатиб берилди.

Бу қарорнинг муҳимлиги шундаки, унда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятда ҳаракат қилиш умумий тизимида ҳар бир давлат ва жамоат тузилмасининг ўрни аниқ белгилаб қўйилган. Эндиликда, шўро даврида бўлгани каби, бир-бирининг ҳаракатини такрорлаш, ортиқча бўғинларнинг амал қилишига барҳам берилган.

Шу билан бир вақтда ҳукумат қарорларида аҳолини фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишга тайёрлаш масалалари ҳал қилиб берилган. Фавқулодда вазиятларнинг таснифи кўрсатилган, аҳолини хабардор қилиш тизимини лойиҳалаштириш ва қуриш тартиби белгиланган.

(Давоми 3-бетда).

Навоий вилоятида мамлакатимиз мустақиллигининг саккиз йиллиги байрами кунига қадар бир қанча саноат объектлари, маданий-маиший иншоотлар, таълим-тарбия муассасалари фойдаланишга топширилади.

ҚУРИЛИШ ИШЛАРИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШГА ЭЪТИБОР

Жумладан, Навоий ва Зарафшон шаҳарлари саноат корхоналари, Қизилқум фосфорит комбинати, "Қизилқумцемент" ҳиссадорлик жамияти қўшма корхонасида замонавий технологиялар жорий этилади, янги цехлар ишга туширилади. Бир қанча касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларни ўз багрига олади.

Республика Бош вазири ўринбосари А.Исаев мазкур корхоналар ва қурилиш объектларида бўлди. Мутасадди раҳбарлар билан ўтказилган йиғилишда қурилиш ишларини янада жадаллаштириш ва сифатини яхшилаш масалалари муҳокама этилди.

Тадбирда вилоят ҳокими Ғ.Дилов қатнашди.

Ёркул УМАР, ЎзА мухбири.

ДИН ВА ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Миллий матбуот марказида "Ўзбекистоннинг дин ва виждон эркинлиги борасидаги бугунги сиёсати" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздаги хорижий давлатлар ваколатхоналари ва диний ташкилотлар вакиллари, ҳуқуқшунослар, маҳаллий ҳамда хорижлик журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистонда 120 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч-тотув ҳаёт кечирмоқда. Турли миллатга мансуб аҳолининг ҳуқуқлари кафолатланган ва бурчлари белгилаб берилгани улар ўртасида ўзаро дўстлик ва қардошликни вужудга келтирган. Улар, дини, тили ва келиб чиқишидан қатъи назар, республикамиз Конституциясида кўзда тутилган барча ҳуқуқлардан тенг фойдаланмоқда.

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда дин ва виждон эркинлигига халқаро меъёрлардан келиб чиққан ҳолда муносабатда бўлиш йўлга қўйилди. Жумладан, Ўзбекистон Конституциясининг 31-моддаси фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқларини кафолатлайди. Бундан ташқари, республикамизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Шу кунгача Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича ўттиздан ортиқ халқаро ҳужжатга қўшилди ва уларда белгиланган шартларга риоя қилиб келяпти.

Матбуот анжуманида келтирилган маълумотларга қараганда, бугунги кунга келиб мамлакатимизда 1702 диний ташкилот рўйхатга олинган. Уларнинг 1500 дан ортиғи ислом дини йўналишидадир. Шунингдек, юртимизда православ, яҳудийлар, баптистлар, католиклар, арманлар ва корейслар ҳам ўз диний ташкилотларига эга.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон фуқароларидан 24 минг киши муборак ҳаж сафарига бориб келди. Яна 18 минг киши эса умра амалларини ado этди. Таққослаш учун айтиш керакки, собиқ шўро даврида бутун Ўзбекистондан бор-йўғи саксондан ортиқ кишигина ана шундай муборак амалга етишган эди, холос.

Матбуот анжуманида мамлакатимиз ташқи ишлар вазири А.Комилов Ўзбекистоннинг дин ва виждон эркинлиги борасида юритаётган сиёсатига атрофлича тўхталди.

—Ўзбекистонда барча диний ташкилотлар Конституциямизда белгиланган меъёр, қабул қилинган қонунлар асосида фаолият юритмоқда, — деди у. — Бироқ биз мамлакатда диний ақидапарастлик ва экстремизм пайдо бўлишига йўл қўймаймиз. Ўзбекистон ҳукумати бундай хунук кўринишларга қарши қатъий кураш олиб боради.

Анвар КАРИМОВ, ЎзА мухбири.

«Халқ сўзи» анкетаси

1. Мустақиллик деганда, Эркинлик, Озодликнинг қадрига етиш керак, деганда нимани тушунасиз?

2. Ўтган саккиз йил давомида шахсий ҳаётингиз, ишингиз, оилангизда, сиз яшаётган жойда рўёбга чиққан қандай ўзгаришларни алоҳида таъкидлаган бўлардингиз? Ватанимиз истиқболи, фарзандларингиз келажагини қандай тасаввур этасиз? Улар тақдирини ўйлаганда кўнглингиздан нималар кечади? Зиммангиздаги бу борадаги вазифа ва масъулиятни қандай англайсиз?

3. Ўзбекистоннинг эртанги куни ва унда ўз ўрнингизни қандай тасаввур қиласиз? Ватанпарварлик ва миллий ғурур — бу сизни нималарга даъват этади?

БИЗДАН ОЗОД ВА ОБОД ЮРТ ҚОЛСИН

Анкета саволларига Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири Б. СУЛТОНОВ жавоб беради

1. Мустақиллик — бу халқимиз, қолаверса, Спитамен, Муқанна, Ойдўс бобо, Эрназар Олақўз орзуларининг ижобати. Улар ва халқимизнинг бошқа мард ўғлонлари, азаматлари Эркинлик ва Озодлик деб, босқинчиларга қарши оғир жангларда ўзларининг ширин жонларини фидо қилишган. Тариҳ саҳифаларидан бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Дарҳақиқат, биз эришган истиқлол жуда кўп меҳнат ва қурбонларни талаб қилди. Собиқ шўролар тузуми даврида кўплаб эл фидойилари қамоқ ва аваҳталарда жон бердилар. Уларнинг руҳлари бугунги кунда Мустақиллигимизни, фаровон турмушимизни кўриб шодланаётган бўлса, ажаб эмас.

Шундай экан, ота-боболаримиз орзу-армон қилган Эркинлик ва Озодликни ҳар биримиз қадрлай билишимиз, эъзозлаб, асраб-авайлашимиз лозим.

Мустақиллик шарофати билан ёшларимиз ривожланган хорижий давлатлардаги етакчи олий таълим даргоҳларида таҳсил олиш имкониятларига эга бўлишди. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг фармони билан ёшларнинг хорижда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси ташкил этилди. Бунга ҳам истиқлолимиз туфайли эришдик.

Ватан озодлигини мустаҳкамлаш, халқимизнинг турмуш даражасини яхшилаш ҳар биримиздан чин дилдан меҳнат қилишни, ўқиб-ўрганишни талаб қилади.

2. Ўтган саккиз йил давомида шахсий ҳаётимда жуда кўп ўзгаришлар содир бўлди. Асли касбим—ўқитувчи. Оддий ўқитувчиликдан то вазирлик лавозимигача бўлган барча босқичларни босиб ўтдим, десам янглишмайман. Умримнинг энг мазмунли даври мустақиллик йилларига тўғри келди. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши меҳнат фаолиятимдаги энг қувончли воқеа бўлди. Мана шу муҳим ҳужжатлар асосида бугунги кунда республика халқ таълими тизимида эътиборга молик ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Тўққиз йиллик умумий ўрта таълимнинг, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, олий таълим тизимида бакалавр ва магистрлик босқичларининг жорий этилиши — буларнинг барчаси Президентимиз олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг маҳсулидир.

Республика ижтимоий ҳаётида юз берган яна бир улкан воқеа Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши бўлди. Ушбу қарор асосида Қорақалпоғистон Республикасида табиий иқлим, халқимизнинг миллий урф-одатлари ва анъаналари ҳисобга олиниб, «Қорақалпоғистон географияси», «Қорақалпоғистон тарихи», «Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда қорақалпоқ тили», «Таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек тили», «Қорақалпоқ тили ва адабиёти» фанлари бўйича тажрибасинов майдончалари ташкил этилиб, ўқув дастурлари ва дарсликлар синовдан ўтказилди. Бу фарзандларимиз келажаги йўлида қўйилган навбатдаги залворли қадамлардир.

3. Бутун Ўзбекистон аҳолиси бугун Юртбошимиз раҳбарлигида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш мақсадида дадил қадам ташламоқда. Мамлакатимиз жаҳон бозорида ўз ўрнига эга. Жанубий Кореянинг «ДЭУ» фирмаси билан ҳамкорликда ташкил қилинган «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида тайёрланаётган «Нексия», «Тико», «Дамас» автомашиналарига бўлган талаб кундан-кунга ошиб бормоқда. Бу мустақил Ўзбекистонимизнинг эртанги куни янада порлоқ бўлишидан далолат.

Ватанпарварлик ҳар бир халққа, миллий ғурур эса ҳар бир миллатга хос бўлган фазилат. Қорақалпоқ халқининг миллий ифтихори саналган Чилпиқ тепалиги, Миздахан, Қўй қирилган қалъа, Жонбасқалъа каби обидалар тарихимизнинг қанчалик кўҳналигидан дарак беради. Улар мустақиллигимиз шарофати билан давлат ҳимоясига олиниб, асл қиёфаси тикланмоқда.

Аминманки, келажакда Ўзбекистон кучли, бўронда ҳам эгилмайдиган, синмайдиган катта чинорга айланади. Унинг бир бутоғи сифатида қорақалпоқ халқи ҳам истиқлолимизни мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг янада обод ва фаровон бўлиши йўлида барча куч-ғайратини сарфлайверади.

«Халқ сўзи» мухбири Озод РАЖАБОВ ёзиб олди.

ОЛАМГА БИР НИГОҲ

САЙЛОВОЛДИ УЧРАШУВЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Америка Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтон илк бор ўзининг вориси бўлиши мумкин бўлган мамлакатнинг ҳозирги вице-президенти Альберт Горнинг сайловолди учрашувларида иштирок этди. Маълумки, АҚШда келгуси йилда президент сайлови бўлиб ўтади. Шу муносабат билан номзодларнинг кенг жамоатчилик билан учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Арканзас штатининг Литтл Рок шаҳрида бўлиб ўтган мазкур учрашувда Клинтон Гор билан ўзининг ўртасидаги дўстона ҳамкорлик давом этишини маълум қилди. Унинг таъкидлашича, Альберт Гор ҳамиша унга содиқ қолган ва Клинтон ҳам ўз навбатида вице-президентга худди шундай ёрдам бериш ниятида, дея хабар беради Би-Би-Си радиоси.

ЖАНГЛАР ТЎХТАМАЯПТИ

«Озодлик» радиосининг хабарига кўра, Ҳиндистон-Покистон чегараси яқинида жойлашган Кашмирда тўқнашувлар давом этмоқда.

Куни кеча чегара ҳудудида яна артиллериялардан отишмалар бошланди. Қуролли тўқнашувлар давомида, яъни шу йилнинг май-июль ойларида Кашмирда мингдан ортиқ одам ҳалок бўлди. Исломобод Кашмирдаги қуролланган жангариларни қўллаб-қувватлашни давом эттирар экан, Ҳиндистон томони Покистон билан тинчлик тўғрисида музокаралар олиб боришдан бош тортишини маълум қилди.

ПУТИН ПРЕЗИДЕНТ БЎЛМОҚЧИ

Россия Бош вазири вазифасини бажарувчи Владимир Путин 2000 йилда бўлиб ўтадиган сайловларда Россия президентлигига ўз номзодини, албатта, қўйишини маълум қилди. Интерфакс берган маълумотга кўра, журналистлар билан Кремлда, ўзининг олдинги иш кабинетида бўлиб ўтган учрашувида Путин таъкидлаганидек, бу саволга қониқарли, яъни ишончли жавоб беришга мажбур. Унинг фикрича, Россиядаги асосий муаммо — бу сиёсий барқарорликнинг йўқлигидир.

Қўшни мамлакатларда

САНОАТ РИВОЖЛАНАДИ

Қозоғистонда янги саноат сиёсати ишлаб чиқилди. Мазкур сиёсат доирасида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи йирик корхоналарни оёққа қўйиш учун давлат бюджетидан 100 миллион доллар ажратилади. Президент Нурсултон Назарбоевнинг журналистларга берган хабарига кўра, фақат енгил саноатнинг 19 та корхонасига 30 миллион доллар сарфланади. Бундан ташқари, Қозоғистон раҳбари енгил саноат, шунингдек, ўрта машинасозлик корхоналарининг давлат бюджети олдидаги қарзларини узиш муддатини 2003 йилга қадар чўзиш тўғрисида қонун ҳужжатини имзолаганини маълум қилди.

АЛЬПИНИСТЛАР АҲДИ

Тожикистон альпинистлари Помирнинг энг юқори чўққисини забт этишга киришишди. Уларнинг ортидан Ҳамдўстлик мамлакатлари, шунингдек, Германия, Франция, Испаниядан келган спортчилар тоғ чўққисига йўл олишди. Чўққига кўтарилиш фақат спорт аҳамиятига молик бўлмай, тожик альпинистлари 7495 метр баландликдаги чўққига амир Исмоил Сомонийнинг бронза ҳайкалини ўрнатишга аҳд қилишган.

БЮДЖЕТНИ ТЎЛДИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЙЎЛИ

Қирғизистон ҳукумати бу йил республика давлат пулбуюм лотереясини чиқаришни мўлжалламоқда. Бош вазир ўринбосари Борис Силаевнинг журналистларга айтишича, лотерея ўйинини ўтказиш давлат бюджетини тўлдириш манбаларидан бири ҳисобланади. Масалан, мунтазам равишда лотерея ўйинини ўтказиб бориш ойига 100 миллион сўм даромад келтиради. Лотереянинг биринчи ўйини 31 августда — Қирғизистон мустақиллиги кунида ўтказилиши режалаштирилмоқда. Ҳар бир тираж савдосидан тушадиган даромаднинг 10 фоизини ҳукумат олади, 55 фоизи эса ютуқ жамғармасига ўтказилади.

ЯНГИ ТАРМОҚ ИШГА ТУШАДИ

2010 йилда Туркманистонда янги тармоқлар, хусусан, қора ва рангли металлургияни яратиш режалаштирилмоқда. Молия ва иқтисодиёт вазири Маткарим Ражабов бу ҳақда журналистларни хабардор қилди. Унинг айтишича, ўша даврга бориб, газ қазиб олишнинг йиллик ҳажмини 120 миллиард кубометрга етказиш, унинг 100 миллиард кубометрини экспорт қилиш режалаштирилмоқда. Нефть ва газ конденсатини қазиб чиқариш эса 45 миллион тоннага етказилади.

«Кўзда тутилаётган углеводород хомашёсини қазиб олишни, уни жаҳон бозорларига ишончли равишда етказиб беришни таъминлаш мақсадида қувур узатиш инфратузилмаларини яратиш бўйича ишларни давом эттириш мўлжалланмоқда», деб таъкидлади вазир.

Қачон? Қаерда? Нима?

ҚИСҚА САТРЛАРДА

ПЕКИН. Хитой ҳукумати агар Тайбэй Пекин билан давлатлараро алоқа ўрнатиш ғоясидан воз кечмаса, унинг назорати остидаги оролларни қўлга киритиш учун чекланган ҳарбий операция ўтказиш эҳтимолини кўриб чиқади.

ПАРИЖ. Францияннинг "Пешине", Канаданинг "Алкан алюминиум" ҳамда Швейцариянинг "Алюсюисс" алюминий ишлаб чиқарувчи компаниялари бирлашиб, дунёдаги энг йирик алюминий ишлаб чиқарувчи гуруҳни ташкил этди.

ДЕҲЛИ. 17 август куни Қозоғистон ташқи ишлар вазири Қосимжўмарт Тўқаев икки кунлик ташриф билан Ҳиндистонга келади.

СИДНЕЙ. Янги Зеландияда "Ансетт" авиакомпанияси учувчиларининг иш ташлаши сабабли юздан ортиқ авиайўналишда самолёт қатнови тўхтаб қолди.

ЛОНДОН. Бу ерда уй қамоғида сақланаётган Аугусто Пиночет Буюк Британияда вафот этиши мумкин. 83 ёшли генерални даволаётган шифокорлар куни кеча шундай расмий хулоса эълон қилди.

ВАШИНГТОН. АҚШ федерал қидирув бюроси бармоқ изларини аниқлайдиган янги электрон тизимни яратди. Ушбу тизим бармоқ излари қайси одамга тегишли эканини саноқли дақиқаларда аниқлаб беради.

Бугунги Шотландия.

Хориж матбуоти, «Туркистон-пресс» ва ЎзА хабарлари асосида А. Мадатов тайёрлади.

ЯНГИ УЛГУРЖИ БОЗОР

Мустақилликнинг саккиз йиллиги арафасида «Бектемир бозори» очиқ акционерлик жамияти ҳудудида улгуржи бозор ишга тушади.

— Илгари қаровсиз, ташландиқ ҳолатга тушган бу ерда узоқ-яқиндан келган деҳқонлар ёзда чанг ютиб, ёмғирли кунларда лойга беланиб савдо қилишарди, — дейди бозор ташкилий бўлим бошлиғи Шоадҳам Акрамов. — Истиқлолнинг саккиз йиллик байрами арафасида замон талабларига тўла жавоб берадиган, сотувчи ва харидорлар учун барча шароитлар яратилган бозор ишга тушади. Янги улгуржи бозори қурилиши учун Тошкент шаҳар ҳокимияти 208,5 миллион сўм маблағ ажратди. Бозор ҳудуди тўла асфальтлаштирилиб, электр чироқлари ўрнатилди. Узоқдан келган юк машиналари учун 165 та тўхташ жойи белгиланди. Майда улгуржи савдо учун эса усти беркитилган алоҳида жойлар қурилди. Бундан ташқари, режага кўра деҳқонлар учун дам олиш мажмуаси, умумий овқатланиш ва маъмурий бинолар қурилиши тугалланяпти.

Мустақилликнинг саккиз йиллик тантаналари арафасида янги улгуржи бозорнинг ишга тушиши узоқ-яқиндан келган деҳқонлар ва пойтахт аҳолиси учун муносиб тўёна бўлади.

М. ЙЎЛДОШЕВА, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: «Қўйлиқ» деҳқон бозоридан лавҳалар; улгуржи бозор қурилишида; буюртмачилар билан қурувчилар ўзаро баҳслашмоқда ишлашади.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

220 ТОННА ПИЛЛА ҚАЙТА ИШЛАНАДИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг саккиз йиллик байрами бўсағасида Фарғона туманида янги корхона фойдаланишга топширилди. Бу ерда республика Меҳнат вазирлиги буюртмаси асосида "Водил" ипакчилик фабрикасининг биринчи навбати ишга тушди. Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқларга саноат корхоналарини олиб келишнинг амалдаги намунаси бўлган мазкур корхона қурилиши учун қарийб икки юз миллион сўм маблағ сарфланди.

Корхона йил давомида 200-220 тонна пиллани қайта ишлайди. Сифатли ипак ишлаб чиқариладиган дастгоҳларни "Қўқонтўқимаш" ва Марғилон механика заводи мутахассислари тайёрлаб беришди. Янги фабриканинг фойдаланишга топширилиши туфайли тумандаги 350 нафардан ортиқ қишлоқ аёллари иш билан таъминланди.

Янги корхонанинг очилиш маросимида Фарғона вилояти ҳокими Н.Мўминов қатнашди.

Р. КАМОЛОВ, ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИДА

Қўшинларни тайёрлаш режасига мувофиқ, 1999 йил 16-19 август кунлари Тошкент шаҳри ва республикамизнинг бир қатор вилоятларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг қўмондонлик — штаб ўқув машқлари бўлиб ўтади.

Ўқув машқлари давомида қўшинларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш ва тузилмавий янгиланиш шароитида қўшинлар ва қисмларнинг жанговарлик қобилиятини ошириш, Мудофаа вазирлигининг давлатни ишончли равишда ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳамда алоҳида муҳим, стратегик объектлар ва коммуникацияларни қўриқлаш ва мудофаа қилиш борасида бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликдаги ҳаракатларини янада яхшилаш масалаларини ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда.

BRITISH AMERICAN TOBACCO UZBEKISTAN

Олис қишлоқ одамлари

ОҚ КЎЙЛАКЛИ АЁЛ

Ҳали гўдаклар тамшаниб уйқудан кўз очмаган бир паллада, ҳали челакларга сигирлар елинидан шовиллаб сутлар тўкилмаган бир маҳалда Боёвут марказидан Тошкентга қараб кунига бир маротаба қатнайдиган «Икарус» автобуси йўлга чиқади. У ўнлаб қишлоқларни оралаб, оддий пахтакор аёл Ҳанифа Суярова ўзининг 51 йиллик умри давомида 5 маротаба бориб келган пойтахтга қараб ошиқади.

...Туман шифохонасининг жарроҳлик бўлими. Ранги оқариб, сўлғин бир қиёфага кирган онасининг кўз очганини кўриб Абдулла ўрнидан туриб кетди.

— Тузукмисиз, опа? Хайрият, ўзингизга келдингиз...

— Тузукман, болам, тузукман...

— Дўхтирлар «Хавф ўтди, энди қўрқмасаларинг ҳам бўлади», дейишди. Уйдагилар ҳам ҳозир келиб қолишади.

— Майли, болам, майли...

— Буйрагингиздан чиққан тош ўзиям нақ ўрдакнинг тухумидай келаркан-да. Бу савилни қандай кўтариб юргансиз-а! Жарроҳлар тошни кўргазмага қўямиз деб беришмади. Танаси бошқа дард билмас, деганлари шу экан-да. Касал ҳолингизда даладан уйга, уйдан далага чопиб юрганингизни кўриб ҳам «Опамиз зўр, опамизнинг жони қирқта», деб ташвишга тушмабмиз...

— Кўргулик-да, болам, кўргулик. Мана, дард берган эгам шифосини ҳам берди. Бригадада ишлар қалай? Ғўзани ўтга олдириб қўймадингларми?

— Далага жин тегармиди? Турибди жойида. Шунча йил кетмон чопиб, сув тараб, бригада бошқарганингиз етар... Энди уйда ўтириб 25 нафар неварангизга боғча опалик қиласиз. Отам билан саккиз ўғил сизни боқа олмасак, нима қилиб юрибмиз. Қўйинг, ўша далани...

— Ундай дема, болам, гуноҳ бўлади. Худо менга дард берган бўлса, пахтада нима айб? Биров эшитса уят бўлмайдими?

— Уят кўчасининг қаердалигини билмайдиганлар уялсин. Қўлингиз косов, сочингиз супурги бўлиб сиз уяласизми? Бу ердан чиқариб, тўғри Чортоққа олиб кетамиз. Энди даланинг юзини кўрмайсиз...

Ҳанифа ая жони ачиб гапираётган ўғлининг гапларига жилмайиб қўйди. Орадан ўн кун ўтгач, унга жавоб беришди.

Қўш ёстиққа суянганча ҳовлини кузатди. Келинларига раҳмат, чор-атрофни ёғ тушса ялагудек супуриб-сидиришган. Райҳонлар ҳам бўй чўзганча, хуш атрини таратиб қолибди. Бир этак нeвараларининг бири қўйиб, бири бувисига ёпишади. Касалхонада мана шу ҳовлини, мана шу боғларни тушларида кўриб чиқарди. Кечқурун оила аъзолари сўрига сиғмагач, пастга ҳам шолча ёзилди. Суҳбат ярим тунгача давом этди. Қалдирғоч боласидай чуғурлашган невараларнинг бири йиғлайди, бири кулади, бири эса катталарнинг кўзини шамғалат қилиб, дастурхондан сўғич қанд чангаллайди. Оила аъзолари битта фикрни маҳкам ушлаб олган эдилар. Энди оналари далага чиқмайди. Энди у қўлига кетмон ушлаб сув таратмайди, ўт юлмайди. Фарзандларининг оқибатидан Ҳанифа аянинг кўнгли ийиб, киприклари намланди.

Икки кун ўтгач, сабри чидамади. Кечки пайт далага борди. Пайкалда ўт йўқ. Бироқ ниҳолларнинг машқи паст. Сувталаб бўлганлиги рангидан кўриниб турибди. Эри Қодир ака ҳам унинг гапини маъқуллади. Бир ҳафта ўтгач, жўяк олинган пайкалларга сув таралди. Эртаси куни у туманга бориб Чортоққа — санаторийга йўлланма олиб келиши керак эди. Тонгда яна бирров далага чиқиб келмоқчи бўлди. Шарбат оқизаётган ишчиларнинг юмушидан аянинг кўнгли тўлмади. Ичида нимадир қўзғалди. Дуррасини бошига маҳкам танғиб, белкуракни қўлига олди. Бир томондан эри, иккинчи томондан ўғли Акромжон югуриб келиб, унинг қўлига ёпишди.

— Бировнинг қўл учида иш қилганини кўрсам бўғилиб ўламан, — деди у. — Шарбатни тинмай қўзғаб туриш керак.

Акром, бор ўғлим, толдан уч-тўртта узун новда қирқиб кел. Курак билан хандақни ковлаб бўлмайди...

Ўн биринчи куни 45 гектар майдонга сув тараб бўлинди. Ўн биринчи куни аянинг кўзлари кулди. Ўн биринчи куни унинг рангига қизиллик югуриб, феъли яна ипакдек мулойим тортди.

— Ана энди, пахтамисан пахта бўлади. Иккинчи сувни ҳам мана шундай сингдириб тараймиз. 40 центнерлик пахта дангасанинг оғзида. Унга етиш учун ишлаш, азоб чекиш керак...

— Сенда сабр йўқ, Ҳанифа! Салга ўт тушган сомондек ловуллаб кетасан. Аслида эркак бўлиб туғилишинг керак эди, — дейди Қодиржон ака.

Ҳанифа ая ёйилиб кулди. Рўмолининг учи билан оғзини яшириб кулди. Унниққан кўйлагининг енги билан юз-кўзларидаги терларини артиб кулди.

Боёвут туманидаги «1-Боёвут» ширкатлар уюшмаси бригада бошлиғи Ҳанифа Суярова эсини таниганидан буён пахта оралайди. Йигирма йилдан буён бригадани бошқаради. Қодир ака 8 ўғил, 4 қиз ҳадя этган. Ҳосилдорлик бўйича энг паст кўрсаткичи 26, энг юқори кўрсаткичи эса 44 центнер. 20 йил давомида бор-йўғи 4 маротаба режани бажаролмаган.

Аянинг уйида бўлганимда секингина қўраю молхонага назар солдим. «На сигир-бузоғимиз, на қўй-қўзимиз бор, — дея изоҳ беришди эр-хотин. — 5

келин тушириш, 3 қиз чиқаришнинг ўзи бўлмайди. Ҳали шошмай туринг, кузга бориб яна мол-ҳол қиламиз. Яна тўйлар қиламиз. Навбат энди Акромжонники...»

— 47 гектар майдоннинг чопиғини ўзларинг қилсаларинг бўларкан. Кучларинг бемалол етади. Ҳар ойда 60-70 минг сўм пул ишлардиларинг, — дейман.

— Буни биз ҳам биламиз. Лекин кўни-қўшнилар даромаддан қуруқ қолишади-да. Уларнинг кўзларига қандай қараймиз, — дейди ая.

Биз қаноат, инсофу диёнат ҳақида кўп ёзамиз, кўп гапирамиз. Бироқ қаноатли, диёнатли одамларни кўрганда уларга қойил қолиш ўрнига беихтиёр ақл ўргата бошлаймиз.

Мен аяга судда кўрган бир воқеани гапириб бердим. Воқеанинг мазмуни шу эдики, ҳуснмалоҳатда тенгсиз бўлган бир бойвучча аёл эри унга ўзи айтган узукни эмас, бошқа узукни совға қилганлиги учун ажралиш ҳақида судга мурожаат қилганди. Ая тушунмади. Мен аянинг юзкўзларига, жовдираган нигоҳларига қарадим. Бунчалар содда, бунчалар оддий бўлмаса бу нигоҳлар. Бу воқеани айтиб бериш билан унга сўз билан ифодалаб бўлмайдиган меҳримни билдириб қўймоқчийдим, аслида.

Ҳа, майли, Тоҳир, Суюн, Абдулла, Ғайбулла, Икром, Замира, Назира, Акром, Дониёр, Шуҳрат, Феруза, Насибаларнинг онаси менинг меҳримни илғамаганидан унчалик хафа эмасман. Фикри-зикри болаларию даласи билан банд бўлган бу мунис аёлдан хафа бўлиш мумкинми ўзи?..

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Эл соғлиғи — юрт бойлиги

«АМБУЛАНС» ҚИШЛОҚ КЕЗАДИ

Тошкент вилоятининг «Амбуланс» гуруҳи шифокорлари замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган «Мерседес-Бенц» машинаси ёрдамида сўнгги тўрт ой давомида қирқта қишлоқ, саксонта маҳалладаги 500 та оилани, 5700 нафар она ва болани тиббий кўрикдан ўтказди. Халқаро «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг вилоят бўлими қошидаги ана шу гуруҳ томонидан камқонлик, ошқозон-ичак, юрак-қон томир хасталиклари билан касалланган аёлларга, кам таъминланган оилаларга 200 минг сўмлик доридармон берилди.

— Терапевт, акушер-гинеколог, педиатр, тиббий-ижтимоий ходим ва ҳамширадан иборат шифокорлар гуруҳининг асосий мақсади ва вазифаси ёш авлодни соғломлаштиришга, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга ҳисса қўшиш, соғлом турмуш тарзини юзага келтириш учун жамоатчилик эътиборини қаратиш, беморларни шифохоналарда жамғарма ҳисобидан даволатишдан иборат, — дейди гуруҳ раҳбари Жумабой Нуров. — Кўпроқ эътиборни вилоятнинг энг чекка қишлоқларидаги оналар ва болалар соғлиғини назорат қилишга қаратганмиз.

Самарали ишлашимиз учун маҳалла қўмиталари, ҳокимликлар томонидан амалий ёрдам кўрсатилаётганлиги юртимизда аёллар ва болалар соғлиғини ҳимоя қилишга ҳеч ким бефарқ эмаслигини кўрсатаяпти.

«Амбуланс» шифокорларининг режасига кўра, йилнинг охиригача вилоятнинг барча қишлоқларида аёллар ва болаларга яна 400 минг сўмлик тиббий ёрдам кўрсатилади.

«Туркистон-пресс».



Бу боғлар ҳар йили мўл ҳосил беради. Бундан ўн йил илгари ҳам, йигирма йил бурун ҳам шундай бўлган. Бироқ улардан фойдаланиш масаласида шикаялликлар кўп бўлиб, деҳқоннинг ўз меҳнатидан тўла манфаатдорлиги йўқ эди.

Мустақиллик берган имкониятлардан бири шу бўлдики, ер ҳам, боғ ҳам деҳқонга қайтарилди. Жумладан, Асака туманидаги «Соҳибкор» ширкатлар уюшмасидаги барча боғ ва узумзорлар пудратчилар ихтиёрида. Айни пайтда уюшма боғларида етилган сархил мевалар йиғиштириб олинаётир. Шу кунгача эл дастурхонига 250 тоннадан ортиқ мева тортиқ этилди.

ИЖАРАЧИЛАР

СУРАТЛАРДА: 3-бригада ижарачиси Абдухалил Исмоилов; ижарачи Комилжон Ҳожиқодиров турмуш ўртоғи Гулчеҳрахон билан.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

ИНСОН ҲАЁТИ ВА САЛОМАТЛИГИ ҚАДРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимиз Олий Мажлиси томонидан 1998 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлиги концепциясининг қабул қилиниши аҳолини фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишни ташкил этишда ҳуқуқий базани яратишнинг муҳим босқичи бўлди.

Бу ҳужжатга мувофиқ инсон ҳаёти учун қулай экологик шароитни таъминлаш, одамларнинг саломатлигини ҳимоя қилиш, барқарор экологик вазиятни вужудга келтириш ҳаётий муҳим миллий манфаатлар қаторига киритилган.

Экологик жиҳатдан зарарли технологияларни, моддалар ва материалларни ҳамда аҳоли саломатлиги учун хавфли озиқ-овқат маҳсулотлари ва фармакологик дори-дармонларни назоратсиз мамлакатимизга олиб кириш, шунингдек, табиий ва техноген тусдаги фалокатлар миллий хавфсизликка таҳдид деб баҳоланади. Мазкур қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва амалга оширилиши "Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш учун шарт-шароит яратди.

Мазкур қонунни қабул қилиш зарурати вазирликлар, идоралар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқаролар аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишни ташкил этишда ҳуқуқий базани яратишнинг муҳим босқичи бўлди.

Бу ҳужжатга мувофиқ инсон ҳаёти учун қулай экологик шароитни таъминлаш, одамларнинг саломатлигини ҳимоя қилиш, барқарор экологик вазиятни вужудга келтириш ҳаётий муҳим миллий манфаатлар қаторига киритилган.

Экологик жиҳатдан зарарли технологияларни, моддалар ва материалларни ҳамда аҳоли саломатлиги учун хавфли озиқ-овқат маҳсулотлари ва фармакологик дори-дармонларни назоратсиз мамлакатимизга олиб кириш, шунингдек, табиий ва техноген тусдаги фалокатлар миллий хавфсизликка таҳдид деб баҳоланади. Мазкур қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва амалга оширилиши "Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш учун шарт-шароит яратди.

Мазкур қонунни қабул қилиш зарурати вазирликлар, идоралар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқаролар аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишни ташкил этишда ҳуқуқий базани яратишнинг муҳим босқичи бўлди.

Бу ҳужжатга мувофиқ инсон ҳаёти учун қулай экологик шароитни таъминлаш, одамларнинг саломатлигини ҳимоя қилиш, барқарор экологик вазиятни вужудга келтириш ҳаётий муҳим миллий манфаатлар қаторига киритилган.

Экологик жиҳатдан зарарли технологияларни, моддалар ва материалларни ҳамда аҳоли саломатлиги учун хавфли озиқ-овқат маҳсулотлари ва фармакологик дори-дармонларни назоратсиз мамлакатимизга олиб кириш, шунингдек, табиий ва техноген тусдаги фалокатлар миллий хавфсизликка таҳдид деб баҳоланади. Мазкур қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва амалга оширилиши "Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш учун шарт-шароит яратди.

Мазкур қонунни қабул қилиш зарурати вазирликлар, идоралар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқаролар аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишга доир тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш кўзда тутилади. Қонун лойиҳасида ҳокимият ва бошқарув органлари ўртасида янги муносабатлар йўлга қўйилади, уларнинг ваколатлари, шунингдек, корхоналар, ташкилотлар, бирлашмалар ва республика фуқароларининг аҳолини ва ҳудудларни ҳимоя қилиш соҳасидаги бурчлари белгилаб берилади.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш чоғида Германия, АҚШ, Россия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон ва Молдова каби хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳисобга олинган.

Шунга қарамай, айрим ўқувчиларда савол туғилиши мумкин: фавқулодда вазиятлар бўйича қонун қабул қилишга эҳтиёж борми? Бунинг устига қонун даражасида Миллий хавфсизлик концепцияси қабул қилинган бўлса, аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишнинг кундалик масалалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида тилга олинган фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ҳал қилинса, бундай қонунни қабул қилиш керакми? Ҳозирги вақтда давлат ва жамоат фаолиятининг шошилинч равишда қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозим бўлган соҳалари умуман оз эмас-ку?

Бу ва шунга ўхшаш бошқа саволларга қуйидаги вазиятлар жавоб бўлиши мумкин: биринчидан, дунёда табиий офатлар, йирик техноген авариялар, фалокатлар ҳамда уларнинг оқибатида одамларнинг қурбон бўлиши ва моддий нобудгарчиликлар йил сайин кўпайиб бормоқда.

Иккинчи ва учинчи минг йиллик туташадиган даврда, XXI аср бўсағасида аҳолини, унинг яшаш муҳитини табиий офатлар, авариялар ва фалокатлар келтириб чиқарган фавқулодда вазиятларнинг оқибатларидан ҳимоя қилиш вазифаси асосий муаммолардан бирига айланганини айни ҳақиқатдир. Брюсселдаги фалокатлар бўйича тадқиқот маркази маълумотларига қараганда, сўнгги ўттиз йил ичида дунёда табиий фалокатлардан 3,6 миллионга яқин киши ҳалок бўлди, уч миллиард киши жабрланди. Умумий иқтисодий зарар 340 миллиард долларни ташкил этди. 60-йилларнинг бошларида табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар чоғида бир йилда ҳар 29 кишидан биттаси жабрланган бўлса, сўнгги 30 йил ичида табиий офатларнинг инсониятга хавфи 2 баравардан зиёдроқ кўпайди. Оддий ҳисоб-китобларга қараганда, фалокатлар, авариялар, табиий офатлар натижасида дунёда ҳар йили икки миллионга яқин киши ҳалок бўлади ҳамда бир неча ўн миллион киши заҳарланади ёки жароҳат олади. Айни пайтда табиий офатлар, авариялар ва фалокатлар бевосита ва билвосита етказадиган зарар жаҳон иқтисодиёти ишлаб чиқарган ялпи маҳсулотнинг тахминан 4-5 фоизини ташкил этади, деб баҳоланмоқда.

Ўтган йилнинг ўзидагина жаҳонда фалокатли оқибат келтирган 538 табиий офат юз берди ва эллик мингга яқин киши ҳалок бўлди. 126 миллион киши жабрланди, истиқомат жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлганлар 26 миллион кишини ташкил этди, довуллар, бўронлар, ер кўчиши ва уммон тўлқинларидан 300 миллион киши жабрланди. Нобудгарчиликларнинг ўрнини қоплаш учун 90 миллиард доллардан кўпроқ маблағ сарфланди. Сўнгги 150 йил ичида одамлар кўплаб ҳалок бўлган шу миқдордаги фалокат сайёрамизда кузатилмаган эди. Ана шу фожеалар орасида, афсуски, ўтган йили Фарғона вилоятининг Шоҳимардон шаҳарчасида сел келиши оқибатида ҳалок бўлган одамлар ҳам бор.

Табиий ва техноген фалокатлар бу йил ҳам давом этаётгани ачинарли ҳолдир. АҚШда қишнинг совуқ келиши, Россиядаги жазирама ёз, Корея ва Хитойдаги сув тошқинлари, Филиппинда ер кўчиши, довуллар жаҳоннинг кўп мамлакатларида ҳамма нарсани остин-устун қилиб ташламоқда. Олимларнинг келгусида фалокатлар бўйича тахминлари ҳам кишини қувонтирмайди. Дунёда иқлимнинг исиши, жаҳон океани сатҳининг кўтарилиши, ёғингарчиликнинг кўпайиши, табиий офатларнинг тез-тез содир бўлиши кутилмоқда.

Буларнинг ҳаммаси аҳолини турли фалокатлардан ҳимоя қилиш муаммосини ҳар қандай маърифий давлатнинг устувор вазифалари қаторига қўймоқда. Қудратли ҳуқуқий базани яратиш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятда ҳаракат қилишнинг ишончли давлат тизимини барпо этиш, инсон ҳаёти, унинг хавфсизлиги ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш — ривожланган демократик давлатнинг муҳим афзалликлари ҳисобланади. Давлат ўз фуқароларини турли офатлардан асрашга, қийин дақиқаларда унга ёрдамга келишга қодир бўлсагина ривожланган демократик давлат ҳисобланади. Лекин Россиядек йирик давлат ўз Президенти дам олаётган жойни ўрмон ёнғинларидан асрай олмаса, бу ҳақда умуман гап бўлиши мумкин эмас. Дарвоқе, фалокатлар чоғида ҳалок бўлганлар сони давлат тараққиёти кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Чунки учинчи дунё мамлакатларида 96 фоиз ўлим фалокатлар натижасида юз бериши тахмин қилинмоқда.

Иккинчидан, жаҳон ҳамжамиятининг аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш муаммоси Ўзбекистон Республикаси учун ҳам хос бўлган муаммодир. Табиат мамлакатимизга баланд тоғларни, сersув дарёларни, кенг саҳроларни ва боғ-роғлар воҳаларини инъом этган. Шу билан бир вақтда республикамиз ҳудудининг бу иқлим ва геологик хусусиятлари, шунингдек халқ хўжалиги тармоқларининг инфратузилмаси табиий (зилзила, сув тошқини, сел, қор кўчкиси, ер сурилиши, баланд тоғдаги кўллар ўзанининг очилиши ва сув босадиган фалокатли ҳудудларнинг вужудга келиши) ҳамда техноген тусдаги (йирик ишлаб чиқариш авариялари ва фалокатлар каби) фавқулодда вазиятларни вужудга келтириши мумкин.

Табиий тусдаги жўғрофий, сиёсий, гидрометеорологик, эпидемиологик вазиятларнинг хилма-хиллиги, газ қувурлари, коммунал тизимлар, кимёвий хавфли иншоотларнинг тез кўпайиши республикамиз ҳудудида фавқулодда вазиятлар юз бериши имкониятини оширмай қолмайди, албатта. Чунки кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, бундай вазиятларда жабрланганлар ва ҳалок бўлганлар сони, шунингдек, моддий зарарлар камаяётгани йўқ.

Атроф муҳитнинг кенг миқёсда булғаниши, уларнинг манбаи қўшни давлатлар ҳудудида жойлашгани жиддий хавф туғдирмоқда. Қирғизистон ва Тожикистондаги 13,5 миллион куб метр радиоактив чиқиндилар, Тожикистондаги Сарез кўлининг ишончсиз табиий тўғони алоҳида ташвиш туғдирмоқда.

Ана шундай шароитда Президентимизнинг: **"Ҳозир, XXI аср бўсағасида фан-техника тараққиёти жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Дунёнинг жўғрофий-сиёсий тузилиши ўзгармоқда. Бундай шароитда инсон томонидан биосферага кўрсатилаётган таъсирни тартибга солиш, ижтимоий тараққиёт билан қулай табиий муҳитни сақлаб қолишнинг ўзаро таъсирини уйғунлаштириш, инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларида мувозанатга эришиш муаммолари борган сари долзарб бўлиб қолмоқда"**, деган сўзлари дастуриламал сифатида янграмоқда.

Бу муаммоларни ҳал этиш, "инсон — жамият — табиат" ўзаро муносабатларида мувозанатга эришиш учун ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий тусдаги умумий меъёр ва қоидаларни жорий этиш ҳамда амалга ошириш зарур бўлади. Муҳокама қилинаётган қонуннинг қабул қилиниши бу муаммоларнинг ҳаммасини ҳал қилиш учун ва шахсий мулкини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга" деб эълон қилибгина қолмай, шу билан бирга бу инсонпарварлик тадбирларини ким, қачон ва қандай қилиб амалга оширишини белгилаб беради. Ҳатто ўз моҳияти билан чекланган мажбурият юклайдиган фаолият ва бурч каби тушунчалар ҳам инсон ҳимоясига қаратилган.

Қонун лойиҳасининг зарурлигини тасдиқлайдиган яна бир хусусияти — унинг келажакда Ўзбекистон Республикаси 24 миллион аҳолисининг ҳар бирини ёши, жинси, миллати, дини эътиқоди, ижтимоий аҳволидан қатъий назар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишга қаратилганидир.

Қонун лойиҳасида давлат ҳокимияти ва бошқарувининг барча даражадаги органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишнинг асосий тамойиллари, мақсадлари, вазифалари ва усуллари аниқланиб, мустаҳкамлаб қўйилган.

Вазирликлар, идоралар, корхоналар, ташкилотлар, маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлари фавқулодда вазиятларда ўз ходимларининг, аҳолининг хавфсизлигини, давлат мулки ва шахсий мулкнинг сақланишини таъминлашга мажбурдирлар.

Бу муаммоларни ҳал қилишда хорижий фуқаролар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш кўзда тутилган. Қонун лойиҳасида хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг, шунингдек, халқаро ташкилотлар фаолиятининг республика ҳудудида фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқий мақоми белгилаб берилган. Қонун лойиҳасининг Ўзбекистон Республикасининг бошқа мамлакатлар билан халқаро ҳамкорлиги тўғрисидаги моддалари аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш муаммоларининг моҳиятини очиб берадиган бешта бобни ташкил этади.

"Умумий қоидалар" деб номланган биринчи бобда лойиҳа ҳаракати чегаралари, асосий тушунчалар, қонун лойиҳасининг ҳуқуқий асоси ва мақсадлари белгилаб берилган.

Шу билан бирга, кўриб чиқилаётган қонун лойиҳасида биринчи марта аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишнинг асосий қоидалари аниқ ва изчил, шу билан бирга янгича талқин қилинган, булар қуйидагилардан иборат:

*инсонпарварлик, инсон ҳаёти ва саломатлиги устуворлиги;

*ошкоралик;

*ахборотнинг ўз вақтида берилиши ва унинг ишончлилиги;

*фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш чора-тадбирлари олдиндан амалга оширилиши;

*мавжуд кучлар ва воситаларнинг зарур даражада етарли бўлиши ва улардан самарали фойдаланиш.

Аҳолини фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш соҳасида ошкоралик ва хабардорлик масалаларида ишончлилик учун маъсулиятнинг мажбурийлиги шубҳасиз, жуда муҳим ҳисобланади.

"Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишни таъминлаш тизими" деб аталган иккинчи бобда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, маҳаллий ҳокимият органларининг, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларининг тузилиши, раҳбарлик қилиш тартиби, вазифалари ва бўрчлари белгилаб берилди ва биринчи марта фавқулодда вазиятлар чоғида бундай вазиятларнинг олдини олишга доир ҳаракатлар давлат тизимида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг иштирок этишини кўрсатади.

Қонун лойиҳаси қабул қилингач, жамиятимизнинг барча тузилмалари қонун йўли билан ишга солинади. Вазирликлар, идоралар, ташкилотлар раҳбарларининг фақат ходимлар хавфсизлиги учун эмас, шу билан бирга саноат иншоотлари фаолияти зонасида жойлашган хўжаликлар аҳолиси хавфсизлиги учун жавобгарлиги қоидасини тасдиқлайди. Шунга ўхшаш равишда маҳаллий ҳокимият органларининг раҳбарлари аҳолини ҳимоя қилиш билан бир вақтда фавқулодда вазиятларда қайси маҳкамага қарашли эканидан қатъий назар, ташкилотлар иши барқарорлигини оширишга кўмаклашадилар.

"Фуқароларнинг фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари ва бурчлари" деб аталган учинчи боб қонун лойиҳасининг асосий бўлими ҳисобланади. Чунки қонун лойиҳаси умуман айни инсонни, унинг ҳаётини, саломатлигини ва шахсий мулкини ҳимоя қилишга қаратилган.

Шахс, жамият ва давлат манфаатлари узвий бирликда кўриб чиқилади, бу манфаатларнинг мувозанатига риоя этиш, ҳаракат қоидаларига оғишмай изчил амал қилиб, биргаликда ҳаракатланиш аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишни таъминлашнинг энг муҳим шарти экани кўрсатиб берилган.

Қонун лойиҳаси моддаларида фавқулодда вазиятлар зонаси чегаралари, уларни тугатишга доир ишларни бажариш ва тўхтатиш тартиби белгилаб берилган.

Хусусан, фавқулодда вазиятлар тугатилгандан сўнг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар атрофдаги табиий муҳитни соғломлаштириш, фуқаролар ва ташкилотларнинг фаолиятини мустаҳкамлаш тадбирларини амалга оширишга мажбурдирлар. Шунингдек фавқулодда вазиятларни тугатиш учун ички ишлар органлари, қўшинлар ва ҳарбий тузилмалар кучлари ҳамда воситаларини жалб қилиш тартиби белгилаб берилади.

"Якунловчи қоидалар", деб аталган бешинчи боб молиявий ва моддий ресурсларнинг заҳираларини барпо этиш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилаб беради. Ҳужжатда молиявий ва моддий ресурсларнинг заҳиралари давлат ҳокимияти органлари томонидан олдиндан барпо этилиши ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини тугатиш учун фойдаланилиши кўзда тутилган.

Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунни бузганлик учун ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар жавобгарлиги тартиби кўрсатиб ўтилган.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни лойиҳаси етакчи мутахассислар, экспертлар ва олимларнинг катта гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосий қоидалари бир қанча халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида синовдан ўтган, шунингдек, бу қонун ҳужжати республикамизнинг 28 вазирлиги ва идорасида, жумладан, Адлия, Молия, Макроиқтисодиёт ва статистика, Мудофаа, Ички ишлар вазирлигида, Миллий хавфсизлик хизмати ва бошқа ташкилотларда экспертизадан ўтган ва келишилган.

Олтинчидан, дунёда ўтказилаётган илмий тадқиқотлар табиий тусдаги фавқулодда вазиятлар юз бериши хавфининг кучайиши тамойили яқин ўн йилликда сақланиб қолишини, техноген тусдаги фавқулодда вазиятларнинг вужудга келиши шароитлари тармоқлар ва минтақаларнинг фавқулодда шароитда иншоотларнинг барқарорлигини таъминлаш имкониятларига боғлиқлигини кўрсатмоқда.

Шу сабабли аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини изчиллик билан оғишмай амалга ошириш, ҳақиқий хавф-хатар манбаларини ва уларнинг табиатини англаб етиш ҳар бир кишига ўзини юз бериши мумкин бўлган табиий фалокатлар, авариялар ва ҳалокатлардан ҳимоя қилинганини сезишга имкон беради.

Юқорида айтилган фикрларни умумлаштириб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутатлари мазкур қонуннинг муҳимлигини, долзарблиги ва зарурлигини англаб, уни қабул қилиш учун уюшқоқлик билан фаол овоз берадилар, деб умид қиламиз. Чунки Президентимиз Ислом Каримов бир неча бор таъкидлаганидек, давлатимиз барқарорлигини таъминлаш, халқимизни турли кулфатлардан, офатлардан ва фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш — сиёсатимизнинг асосидир. Қабул қилинадиган қонуннинг асосий вазифаси ҳам айни шу муаммоларни ҳал этишдан иборат.

Б. ҚОСИМОВ,
Халқаро муҳандислик академиясининг мухбир аъзоси, профессор.
(ЎзА).

ТАЪСИС КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида республика Маънавият ва маърифат Кенгаши шаҳар бўлимининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Маънавият ва маърифат Кенгаши шаҳар бўлимининг низоми ва дастури муҳокама этилди, бу борадаги долзарб вазифалар белгиланди.

Анжуманда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнида мазкур Кенгаш катта ўрин тутиши лозимлиги таъкидланди. Маънавий-маърифий тикланишнинг ижобий бунёдкорлик ишлари моҳиятини кучайтириш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг дунёқарашини шакллантириш, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида тарбиялаш Кенгаш олдида турган муҳим вазифалардан бири эканлиги алоҳида қайд этилди.

Таъсис конференциясида республика Маънавият ва маърифат Кенгаши Тошкент шаҳар бўлимининг раислигига шаҳар ҳокими К.Тўлаганов сайланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Зиё сўзга чиқди.

* * *

Тошкент вилояти ҳокимлигида республика Маънавият ва маърифат Кенгаши вилоят бўлимининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Маънавият ва маърифат Кенгаши вилоят бўлимининг дастури ва низоми тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Кенгаш олиб бориши лозим бўлган биринчи галдаги вазифалар белгиланди.

Анжуманда сўзга чиққанлар мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида мустақиллик ва миллий мафкура ғояларини кенг жамоатчилик онгига янада чуқурроқ сингдириш, аҳолининг барча қатламлари орасида тарғибот-ташвиқот ишларини такомиллаштириш, уларнинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш зарурлигини таъкидладилар. Юртимизда амалга оширилаётган улкан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий янгиланишлар, юз бераётган муҳим воқеалар моҳиятини аҳолига, айниқса ёшларга содда ва аниқ тушунтириб беришга эришиш бу борадаги энг муҳим вазифалардан биридир.

Таъсис конференциясида республика Маънавият ва маърифат Кенгаши Тошкент вилоят бўлимининг раислигига вилоят ҳокими У.Мирзақулов сайланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари А.Зиё ва Н.Жўраев иштирок этди.

* * *

Урганчда Маънавият ва маърифат республика Кенгаши Хоразм вилоят бўлимини таъсис этишга бағишланган конференция бўлди. Унда шаҳарлар ва туманларнинг ҳокимлари, уларнинг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, вилоят бошқармалари ва идораларининг, жамоат ташкилотлари ва жамғармаларнинг, олий ва ўрта ўқув юртларининг раҳбарлари, ижодкор зиёлилар, дин арбоблари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Анжуман иштирокчилари жойларда олиб бориладиган барча мафкуравий, маънавий-маърифий ишларни мувофиқлаштириш лозим бўлган кенгаш ўз вақтида тузилганини таъкидладилар. Кенгаш жамиятимизда фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлашда, хусусан ҳар томонлама камол топган, мустақиллик ғояларига садоқатли ёш авлодни тарбиялашда муҳим ўрин тутиши айтилди.

Вилоят ҳокими И.Бобожонов республика Маънавият ва маърифат Кенгаши вилоят бўлимининг раиси этиб сайланди.

Анжуман ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг раиси Ҳ.Кароматов иштирок этди.

(ЎзА).

Ўзбекистон деб аталадиган диёримиз азал-азалдан илму маърифат, зиё ва маданият маскани сифатида жумлаи жаҳонга машҳур бўлиб келган. Бу хусусда кўҳна тарих саҳифаларидан ёрқин мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Миллий давлатчилигимиз асосларининг қарийб уч минг йиллик тарихга эга эканлиги, «Авесто» ёзма ёдгорлиги бундан уч минг йил илгари айнан шу табаррук заминимизда яратилганлигининг ўзи ҳам халқимизнинг қадим-қадим замонлардан бошлаб жаҳон цивилизациясига, умуминсоний тараққиётга улкан ҳисса қўшган маданиятга дахлдор халқ эканлигини кўрсатади.

БУЮКЛАР ВАТАНИ

Ислом дини диёримизда қарор топгандан кейинги даврдаги илм-фан ва маданият тараққиёти алоҳида бир босқични ташкил қилиб, у бевосита исломий илмлар билан чамбарчас боғлиқдир. Бу ўринда яна шуни таъкидлаш керакки, юксак маданий менталитет ва илмий салоҳиятга эга халқимиз ислом динига ҳам юксак маданият соҳиблари сифатида ижодий ёндашди. Бинобарин, халқимиз диннинг том маънода инсонпарвар, фараҳбахш ғоялари фақат яхшиликка, эзгуликка, инсоннинг маънавий камолотига қаратилганлигини тез идрок этиб, унинг ҳаётий мазмун-моҳиятини теран англаяпти. Бу муборак динга нафақат ибодат қилиш, бир қатор исломий урф-одатлар, маросимларни беками-кўст адо этиш билан бирга, унга илму урфон, мукаммал назария, таълимот сифатида ёндашмоқда. Бошқача қилиб айтганда, бизнинг диёримизда ислом динига муносабат илк даврдан эътиборан чуқур, фундаментал илмий асосга таянади. Бу муносабат ўз навбатида ислом динининг асосий манбалари — Қуръони карим ва жаноб Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг Ҳадиси шарифларида келтирилган ғоялар билан тўла ҳамоҳангдир. Шу боисдан ҳам бу жараён ҳар бир мўмин-мусулмоннинг илмли, зиёли, маърифатли бўлиши, илмнинг хосиятлари ҳақидаги Қуръони каримдаги кўпдан-кўп оятлар ва, айниқса, илму зиёнинг инсон учун ўта зарурлиги ҳақидаги Расулуллоҳнинг кўрсатмалари, хусусан, Сарвари оламнинг «энг яхши ибодат — илм олмоқликдир», деган муборак ҳадислари билан уйғунлашган ҳолда амалга оширилияпти. Илмли, маърифатли бўлишлик зудлик билан муайян дастурларни ишлаб чиқиш, охир-оқибатда ўз даврининг дорилфунунлари ҳисобланган мадрасаларни ташкил қилишга олиб келди. Эътиборли томони шундаки, мусулмон оламидаги дастлабки мадрасалар VIII асрнинг охирларида ўша даврдаги йирик шаҳарлар — илмий-маданий марказлар ҳисобланган Бухоро, Самарқанд, Насаф, Термиз, Хива, Шош (Тошкент), Фарғона, Марғилон каби шаҳарларда очилди. Бу фикримизга далил сифатида таниқли тарихчи Мирза Муҳаммад Боқир ал-Хавансорий ал-Исфаҳоний ўзининг «Равзот ал-жаннат фи аҳвол ал-уламо вас-содат» («Олимлар ва саййидларнинг аҳволлари ҳақида жаннат бўстонлари») номли асарида «мусулмон оламида дастлабки мадрасалар Бухорода очилган эди», деб таъкидлаганини кўрсатиш мумкин. Диний илмлар мажмуаси, исломий маданият ва маърифат мукаммал тарзда ташкил этилган ушбу ўқув даргоҳларида дунёвий илмлар ҳам чуқур ўрганиларди. Талабалар орасида Шарқнинг турли мамлакатларидан келган кўпдан-кўп толиблар ҳам диний ва дунёвий илмлардан таҳсил олардилар. Ислом оламидаги мадрасалар тарихи бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган ироқлик йирик олим Ножий Маъруфнинг ёзишича, «VIII асрнинг охирларидаёқ Бухородаги имом Абуҳафс ал-Кабийр ал-Бухорий мадрасасида мусулмон оламининг кўплаб мамлакатларидан келган илм толиблари сабоқ олганлар». Ушбу мадраса қошида бой кутубхона, махсус қироатхона мавжуд бўлиб, талабалар ойлик маош (стипендия), кўп ҳолларда озиқ-овқат билан ҳам таъминланганлар. Илмни такомиллаштириш, уни камолга етказиш мақсадида бошқа ўлкаларга, хусусан, Шарқ мамлакатларидаги етук илмий марказларга сафарлар қилиш одат тусига кира бошлаган. Бу амалга оширилган илмий-маърифий ишлар, албатта, ўз самарасини кўрсатмай қолмади. Диёримиздан турли илмлар бўйича оламшумул ютуқларга эришган буюк алломалар етишиб чиқдилар. Улардан Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср ал-Форобий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райҳон ал-Беруний, Абу Али ибн Сино кабиларнинг аниқ ва табиий фанлар бўйича яратган улкан кашфиётлари юртимизнинг довруғини дунё бўйлаб таратди.

Маълумки, исломий илмлар (тафсир, ҳадис, фиқҳ, калом ва ҳоказо) бўйича Мовароуннаҳр ва Хуросондан чиққан олимларнинг яратган асарлари ва таълимотлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу ўринда заминимиздан чиққан кўплаб буюк муфассирлар ва Қуръон ҳофизлари билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Табаррук юртимизнинг етук фарзандлари Имом ал-Дорамий, имом ал-Бухорий, имом ат-Термизий, имом ан-Насоий, имом Абу Мансур ал-Мотуридий, алломалар Бурҳониддин ал-Марғилоний, Абу-Лайс ас-Самарқандий, Абу ал-Муъийн ан-Насафий, Нажмиддин Умар ан-Насафийлар тафсир, ҳадис, тарих, фиқҳ, калом каби исломий илмларнинг ривожига асос солган бўлиб, бу зоти шарифларнинг буюк хизматлари жаҳоний эҳтиромга сазовордир. Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг 600 мингга яқин ҳадисларини ёдларида сақлаган беназир аллома Имом ал-Бухорий ҳазратлари ҳақида араб олимларидан бири Амр ибн Али ал-Қаллоснинг «Имом ал-Бухорий билмаган ҳадис — бу ҳадис эмас», деган баҳосига бир эътибор беринг-а! Демак, буюк ватандошимиз имом ал-Бухорий ҳазратлари пайғамбар алайҳиссаломнинг муборак тилларидан содир бўлган барча ҳадислардан хабардор бўлган эканлар-да! Араб олимининг бу юксак баҳосини барча муҳаддисларнинг имоми, ҳадис илмининг султони деган ўта шарафли рутбага сазовор бўлган имом ал-Бухорой ҳазратларининг ақл бовар қилмайдиган даражадаги ноёб илмий салоҳиятига самимий эҳтиром, умумбашарий таъзим деб изоҳлаш мумкин. Ёки бўлмаса бундан қарийб XI аср муқаддам яшаб ўтган хоразмлик буюк аллома Маҳмуд аз-Замахшарийнинг ҳаёти ва меросига бир назар солайлик. Жисмоний ногиронлигига (оғир касалга чалингани туфайли ёшлигида бир оёғи кесилган) қарамасдан бу зот илму урфон талабида ўз умрининг аксар қисмини узоқ мамлакатларда сафарда, мусофирчиликда ўтказди. Маккаи мукаррамада олти йилга яқин яшади. Шу боис ҳеч бир олимга насиб этмаган Жоруллоҳ (Оллоҳнинг қўшниси) деган юксак мақомга сазовор бўлди. Бутун умрини илмга бағишлади ва илм-фаннинг турли соҳаларига оид элликдан ортиқ асарлар яратди. Муҳтарам Президентимиз Хоразм вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида бу беназир алломанинг жаҳон тамаддунига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида тўхталиб, бир араб мутафаккирининг «Дунёдаги барча қишлоқлар жам бўлиб, Хоразмнинг биргина ЗАМАХШАР қишлоғига фидо бўлса арзийди. Чунки айнан шу қишлоқ минг йилларда бир марта келиши мумкин бўлган аз-Замахшарийдек буюк алломани яратган», деган баҳосини алоҳида таъкидлаган эдилар. Мавриди келганда айтиш жоизки, буюк ватандошимизнинг, айниқса, араб тили, унинг наҳвисарфи (грамматикаси) ва луғатшунослиги равнақига қўшган ҳиссаси бекиёсдир. Шу боисдан ҳам араб олимларидан бири «агар шу хоразмлик чўлоқ ва кўса аз-Замахшарий бўлмаганда араблар ўз тилини билмас эдилар», деб этироф этган экан.

Мустақиллигимиз шарофати билан кўплаб алломаларимизнинг ҳаёти ва мерослари чуқур ўрганилиб, уларнинг таваллуд кунлари — юбилейлари ўтказилаётир ва табаррук номлари тикланаётир. Юртбошимизнинг **«Биз бу мутафаккирларимизнинг қутлуғ меросидан бутун халқимиз, жумладан ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, уларнинг мана шундай маънавий муҳитда камол топишига ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, буюк ғоялари ёш авлод юрагидан ҳам жой олишига шароит яратмоқдамиз. Бошқача айтганда, биз фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, ат-Термизий ўгитлари, Яссавий ҳикматалри асосида тарбия қилмоқдамиз»**, деган фикрлари ҳозирги даврда бу борада қилинадиган ишлар борасида дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Биз юқорида жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган алломаларимиздан айримлари ҳақида баъзи маълумотларни келтирдик. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, бу зоти шарифларнинг ҳар қайсиниси ҳам мислсиз таълимотларию кашфиётлари билан башарият тарихидаги энг буюк сиймолар сафида туради. Мана шу буюк мақомга сазовор бўлган кўплаб алломаларнинг Ўзбекистон заминидан етишиб чиқишини тасодифий ҳол деб бўлмайди. Гарчанд мана шу ҳолнинг ўзи ҳам бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган бу юртда илм-фан ва маданиятнинг илдизи бениҳоя чуқурлигидан, бу заминда азал-азалдан анъанавий маданий-маънавий муҳит мавжуд бўлганлигидан, энг муҳими, бу юрт аҳли инсоният ва жамият манфаатлари йўлида ҳар қандай илмни ҳам тез ва теран илғаб, юксак поғоналарга кўтариш лаёқатига қодир эканлигидан далолат беради. Иккинчи томондан, бундай улкан муваффақиятларга буюк аждодларимиз узоқ йиллар давомидаги машаққатли меҳнат, тинимсиз изланишлар ва саъй-ҳаракатлар натижасида эришганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш керак.

Уларнинг асрлар қаърида қолиб кетган номлари бугун, Мустақиллик туфайли, дунё бўйлаб кезиб юрибди ва ер юзида Ўзбекистон деган буюк ҳамда қудратли ўлка борлигини фидойи фарзанд сифатида мамнунлик билан сўзламоқда.

Убайдулла УВАТОВ,
халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари.

Халқ амалий санъати

АНЪАНАНИНГ ЯНГИ СИЙРАТИ

Ўзбек халқ амалий санъати ниҳоятда қадимий ва ранг-баранг. У асрлар давомида ривожланиб, сайқал топиб келган. Ушбу анъана бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Қувонарли томони, истиқлол шарофати билан бу соҳага эътибор янада кучайди. Ҳунарманд уста ва санъаткорларнинг самарали ижод қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилаяпти. Натижада мазкур санъат ижодкорлари истеъдодли ёшлар ҳисобига кенгайиб бормоқда.

Сирдарёлик мусаввир Баҳодир Бобоназаров ана шундай ёшлар сирасига киради. У дастлаб Тошкентдаги Шарқ миниатюраси ижодий устахонасида мазкур соҳа сирларини ўрганган эди. Шундан сўнг Беньков номидаги республика рассомчилик билим юртига кириб ўқиди. Талабалик чоғларидаёқ унинг моҳирлик билан ишлаган микроминиатюралари тилга туша бошлади.

Б. Бобоназаров 1994 йилдан бошлаб турли кўргазмаларда ўз асарлари билан иштирок этиб келмоқда. Унинг ижод маҳсуллари маҳаллий ва хорижлик мухлислар томонидан юксак баҳоланаётир.

Баҳодир 1995 йили МДҲ мамлакатлари санъати кўргазмасида ҳам қатнашди. Умуман, унинг асарлари Париждаги ЮНЕСКО штаб-квартирасида уюштирилган ўзбек рассомлари кўргазмаси, Покистонда бўлиб ўтган Шарқ халқлари амалий санъати халқаро фестивалида ҳам намойиш қилинди. Ўтган йили Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан ўтказилган «Энг улуғ, энг азиз» кўрик-кўргазмасида ғолиб чиқиб, махсус диплом билан тақдирланди. Бу йил ёш миниатюрачи-рассом Баҳодир Бобоназаров ҳаётида унутилмас воқеа содир бўлди. Чунки у мамлакатимиз миқёсида ўтказилган «Ташаббус-98» танлови республика босқичида «Энг яхши ҳунарманд» кўригининг учинчи совриндори бўлди. Ёш миниатюра устаси эришаётган ижодий ютуқлари самараси ўлароқ, ўтган йили Бадиий академия аъзолигига қабул қилинди. Айни пайтда унинг асарлари республика Амалий санъат музейида, Франциядаги шахсий галерея ҳамда Америка, Англия ва Туркия давлатларидаги бир қатор хусусий коллекцияларда сақланмоқда.

— Баҳодиржон биз ташкил этган Шарқ миниатюраси санъати устахонасида таълим олган кезларидаёқ ўзининг қобилияти, меҳнаткашлиги билан бошқалардан ажралиб турарди, — дейди таниқли миниатюрачи-мусаввир, Камолиддин Беҳзод номидаги давлат мукофоти совриндори Хуршид Назиров. — Дастлабки кезлар у классик миниатюра намуналаридан нусха кўчириш орқали маҳоратини чархлади. Кейинчалик эса ўзи мустақил равишда ишлаб, шахсий услубини яратди. Масалан, унинг терида ишлаган, «абри баҳор» усулида яратган миниатюралари, айниқса, ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бир сўз билан айтганда, Баҳодир Бобоназаров бугун

етишиб келаётган ёш халқ амалий санъати усталари орасида ёрқин истеъдодлардан биридир.

Баҳодир Шарқ классик миниатюраларидан таъсирланиб, улардан ижодий қувват олган ҳолда, Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Низомий ва Навоийнинг «Хамса» китоблари ҳамда «Темур тузуклари», «Калила ва Димна» асарлари асосида ҳам кўплаб миниатюралар яратган. Шунингдек, эркин мавзуда ишлаган «Ҳаёт бешиги» асари Баҳодир Бобоназаровнинг ёрқин истеъдод эгаси эканлигидан далолат беради. Эътиборли томони, унинг ҳар бир ижодий иши ўзининг бетакрорлиги, нафис ва гўзаллиги, ҳаёлот уфқларининг кенглиги билан ажралиб туради. Мусаввирнинг турли хил қутичалар юзасига ишлаган «Илҳом париси», «Хусрав ва чўмилаётган Ширин», «Рустамнинг аждар билан олишуви», «Ов» каби миниатюралари фикримиз далилидир.

Айни пайтда Баҳодир Бобоназаров Сирдарё вилоятида миниатюра санъатини ривожлантириш борасида астойдил ҳаракат қилмоқда.

— Ҳокимимиз Ўктам Исмоилов бу ерга ишга таклиф этганларида, жуда хурсанд бўлиб кетдим, — дейди у. — Чунки Сирдарё бошқа вилоятларга нисбатан анча ёш бўлганлиги сабабли, бу ерда ҳали халқ амалий ҳунармандчилик санъати унчалик ривожланмаган. Лекин бугун вилоятимизда санъат ва ҳунармандчиликни йўлга қўйиш учун имкониятлар етарли. Яқинда бу ерда миниатюра санъати мактаби ташкил этилиб, ҳозир бир қанча ёшлар таълим олмоқдалар. Келажакда мактаб фаолиятини кенгайтириб, бой ва бебаҳо санъатимизнинг бошқа турлари бўйича ҳам усталар етиштиришни мўлжаллаб турибмиз. Токи, бу борада ҳам ўз анъаналаримизга эга бўлайлик.

Ғафур ШЕРМУҲАММАД,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: Баҳодир Бобоназаров ижодидан намуналар.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85
Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0640, 23709 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — А. МАДАТОВ.
Навбатчи — Ғ. ЭШМУРОДОВ.
Мусаҳҳиҳ — А. ЭШҚУЛОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топширилди — 23.20
1 2 3 4 5 6

ДУНЁ УЗРА ЯНГРАЙВЕР, МАДҲИЯМ!

Германия. Эрдинг шаҳрининг спорт майдони. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграётир. Давлат байроғимиз эса оҳиста кўтарилаяпти. Шоҳсупанинг биринчи поғонасида турган Аъзамжон ўнг қўлини кўксига қўйиб, «Серқуёш, ҳур ўлкам, элга бахт, нажот» дедию юқорилаб бораётган байроғимизга юзланди. Дафъатан кўзларидан ёш оқаётганини сезди. Бу — қувонч ёшлари эди. Аммо у мадҳияни куйлашни давом эттирди. Спортчимизни шу топда 20 давлатдан йиғилган 900 нафар каратэчи кузатиб турарди-да... Бу, албатта, тарихий воқеа эди.



Мамлакатимиз Каратэ миллий федерацияси президенти Нурхон Нафасов ногаҳон ёнида турган икки хорижликнинг суҳбатини эшитиб қолди.

— Бу қайси давлат каратэчилари?

— Ўзбекистондан, ўзбеклар.

— Буни қара, жаҳон кубоги мусобақасида фақат шу давлатнинг олти бор мадҳияси янгради.

— Ўзбекистонликлар умумжамоа ҳисобида ҳам кучли учликдан ўрин олишди... Биласанми, Марказий осиёлик бу шерюракларни мен Италияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида илк бор кўрган эдим. Ҳеч бир мусобақадан бу «йўлбарс»лар қуруқ қайтишмаган. Англия, Австралиядаги халқаро мусобақаларда, Венгрияда ўтказилган жаҳон чемпионатида, «Мустақиллик» халқаро турнирларида ўзбекистонликлар қанчадан-қанча олтин медаль шодаларини бўйинларига илишган. Ўшандан бери бу мадҳия менга жуда таниш. Мана, ҳозир ҳам уни тинглаб, тик оёқда турибман. Афсус, сўзини тушунмайманда...

Мадҳиямиз ҳамон янграрди...

«Демак, хорижликлар бизнинг ҳар бир босган қадамимизни синчиклаб кузатиб борар экан-да», — хаёлидан ўтказди бош мураббий. Сўнг ўзига ўзи деди: — «Болаларга жуда қийин бўлди. Аммо ҳафтасига 12-14 марта профессионал даражада ўтказган машғулотларимиз зое кетмади. Аъзам Абдумавлонов, Элёр Даламирзаев, Отабек Қосимов, Иззат Мирбобоев, Дамир Гумиров, Рустам Тошназаров — бариси ғолиб! Мана энди халқимиз ҳузурига, Ватанимизга ёруғ юз билан қайтадиган бўлдик. Юртбошимизга берган ваъдамиз устидан чиққанлигимизга бутун жаҳон гувоҳ. Бу — мустақиллик тўйига биздан яна бир совға бўлсин. Ахир, дастлабки ғолибона юришни ҳам айнан мустақилликни қўлга киритгач бошладик-ку...»

Шу лаҳзада чемпион Аъзам Абдумавлоновнинг хаёлидан ушбу фикрлар кечар эди. «Онажон, олтин медаль олдим, кўринг буни. Аммо бу медаль — меники эмас, бу — халқимники, она-Ватанимники. Қувончим, шодлигим эса — миллатники!»

Мадҳия ҳамон янграрди...

Кумуш медаль соҳиби Фарруҳ Абдумавлонов ҳам фикрларини тизгинлаб ололмас эди: «Мен ҳам ғолиб чиқиб, еттинчи марта мадҳиямизни янгратишим мумкин эди... Чунки финалгача 4 та рақибимни накаут ҳолатда ютдим. Финалда эса германияликни накаутга учратдим. Аммо ҳайъат аъзолари бу беллашувни «қаттиқроқ уриб (контакт учун) йиқитган» деб баҳолашди-да, менга иккинчи ўрин беришди. Бизнинг аждодлар яккама-якка беллашганда ҳалол ютганлар. Биз мана шундай мард паҳлавонлар авлодимиз. Мен, албатта, чемпион бўламан! Байроғимиз ҳилпираб, мадҳиямиз янграйди».

Мадҳиямиз ҳамон янграрди...

Элим, токи, шундай фарзандларинг бор экан, Машриқдан Мағрибгача фақат сенинг мадҳиянг янграйди. Шерюрак ўғлонларинг ҳар қандай юрт чемпионларига панжа уришга қодир.

Куни кеча Тошкентдаги Олимпия шоншуҳрати музейида жаҳон кубоги учун Германияда бўлиб ўтган каратэ бўйича мусобақаларда катта ютуқларга эришган Ўзбекистон спортчиларини мукофотлаш маросимида қатнашарканман, хаёлимдан шулар ўтди. 8 ёшдан 15 ёшгача бўлган бу каратэчилар ҳали спорт соҳасида зўр маҳорат ва матонат кўрсатишларига ишонамиз.

Оқил АБДУАЗИМОВ.

"ПАХТАКОР-79" ХОТИРАСИ

...Марказий "Пахтакор" стадионига бу ерга хос бўлмаган сукунат чўккан. Бу сукунатда 1979 йилда авиация ҳалокатида ҳалок бўлган пахтакорчиларнинг номи янграйди. Мана улар: Агишев, Ан, Аширов, Баканов, Бозоров, Загуменних, Корчёнов, Куликов, Собиров, Тазетдинов, Толибжонов, Покатилов, Эшбўтаев, Фёдоров...

Орадан 20 йил ўтибди ҳамки, улар халқимиз, мухлислар қалбида яшаб келмоқда.

Эрталабдан бошлаб марказий "Пахтакор" стадионидаги футболчилар ҳайкали пойига ва уларнинг қабрларига гуллар қўйилди.

(ЎзА).

Анжуман

Пойтахтимиздаги Миробод тумани 3-ҳарбийлаштирилган ёнғиндан сақлаш бўлинмаси (ЁСБ)да оммавий ахборот вакиллари билан матбуот анжумани бўлиб ўтди. Бундай тадбирнинг шу соҳа вакиллари билан илк бор ўтказилганлиги диққатга сазовор, албатта. Унда Тошкент шаҳар ИИББ ЁСБ бошлиғи муовини, ички хизмат полковниги М.Аъзамов, Миробод туман ЁСБ бошлиғи, ички хизмат майори А. Махкамов журналистларни қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб бердилар.

ҚАЛАМ БИЛАН... ЁНҒИНГА ҚАРШИ

Тадбирда Мустақиллик туфайли олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, жумладан, янги бунёд этилаётган иншоотлар, даҳалар, кўп қаватли осмонўпар бинолар қурилишида йўл масофалари ва уйлар оралиғи нисбати, ёнғинни бартараф этишда сув таъминоти учун шароит яратилиши, қутқарув ишларининг қулай таъминланиши ҳамда турар жой хавфсизлиги талабга тўла жавоб бериши кераклиги тушунтирилди.

Матбуот анжуманида ҳар иккала томон вакиллари маънавий-маърифий ишларни ҳамкорликда кучайтиришга келишиб олдилар.

Олим ОҚИЛХОН.

Подшипниклар бўйича минтақавий Агентлик
«АНДИЖОНЭЛЕКТРОДВИГАТЕЛЬ» ОАЖ расмий вакили
ишлаб чиқарувчи корхона нархлари бўйича, кенг ассортиментда, жумладан, сериялари 13516 дан - 13540 гача, 13614 дан - 13656 гача бўлган

ПОДШИПНИКЛАРНИ
шунингдек,
ЭЛЕКТРОДВИГАТЕЛЛАРНИ
сотади.
Тел./факс: 152-15-55.
E-mail:tapp@e-pool.eanetways.com.
®/1984

«Ўзкимёсаноат» уюшмаси бошқаруви жамоаси бошқарув бўлим бошлиғи Темур Ҳошимовга отаси
Мутал ҲОШИМОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзкимёсаноат» уюшмаси бошқаруви жамоаси бошқарув бош мутахассиси Нуриддин Акмаловга акаси
Камолхон АКМАЛОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.